

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧЖАН ЛИНЧЖИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ**  
**ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАЪСИРИ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(XXP инвестициялари мисолида)**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Чжан Линчжи**

Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсири бўйича маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш (XXP инвестициялари мисолида)..... 3

**Zhang Lingzhi**

Improving marketing research on the impact of FDI on the economy of Uzbekistan (Evidence from PRC investments) ..... 27

**Чжан Линчжи**

Совершенствование маркетинговых исследований влияния ПИИ на экономику Узбекистана (на примере инвестиций КНР) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧЖАН ЛИНЧЖИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ**  
**ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАЪСИРИ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(XXP инвестициялари мисолида)**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1921 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ҳамда «Zionet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Амонбоев Маҳаммадсидик**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Элмурод Абдусатторович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ахунжонов Умиджон Махамадумарович**  
иқтисодиёт бўйича фалсафа фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03.30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; E-mail [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри., Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; E-mail [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz))

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилади.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражасининг аҳамиятини кучайтирмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсири бўйича маркетинг тадқиқотларига талабни оширмоқда. “Инвестицияга оид қарорларни қабул қилиш – корпоратив бошқарувдаги энг мураккаб, riskли ва масъулиятли функциялардан бири ҳисобланади... Инвесторлар томонидан киритилган маблағлар режали тарзда қайтарилишининг эҳтимоллигини ошириш инвестиция бозоридаги барча иштирокчиларнинг вазифаси бўлиб, маркетинг ва унинг технологияларидан моҳирона фойдаланиш бунга имкон яратади”<sup>1</sup>. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳам ҳамкорлик, ҳам рақобат тавсифига эга бўлиб, халқаро иқтисодий интеграциянинг узлуксиз ва чуқур ривожланиши билан мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора яқинлашиб бормоқда. Жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам самарали иқтисодий механизмларни жорий этиш ва рақобат муҳитида тараққиётнинг янги босқичларига тезлик билан ўтишни мақсад қилиб қўйилган. Айни вақтда бундай иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун кўплаб инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш муқаррар равишда ҳар бир иқтисодий субъектнинг асосий вазифасига айланади.

Жаҳонда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсири бўйича маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришга оид қатор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жорий этишнинг инновацион шаклларини аниқлаш, қабул қилувчи давлатга илғор технологиялар ва капитал ўтказиш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талабни аниқлаш ва унга инвестициялар таркибий тузилмасини мувофиқлаштириш, инвестиция киритиш билан боғлиқ riskларни баҳолаш, қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётида инвестиция бозоридаги талаб ва таклифни мувозантлаштиришда маркетинг воситаларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодиётнинг жадал ўзгарувчан шароитида инвестицияга талабни қондиришнинг маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш масалалари бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрнига муҳим восита сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга белгиланган тараққиёт стратегиясининг 26-мақсадида “мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120

---

<sup>1</sup> Щетинина Е.А. Маркетинговое обоснование инвестиционных решений строительных корпораций. Известия вузов. Инвестиции. Строительство. Недвижимость. 2019;9(3): 488–501. DOI: 10.21285/2227-2917-2019-3-488-501.

миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш белгиланган”<sup>2</sup>. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари бўйича ички хусусият ва боғлиқликларга мувофиқ келувчи маркетинг тадқиқотларини аниқлаш, етакчи тармоқлардаги инвестицияга талаб ва таклифнинг ўзаро мувозанатига таъсир этувчи омилларни баҳолашда самарали маркетинг усулларида фойдаланиш, халқаро тажриба ва миллий иқтисодий тараққиёт талаблари асосида мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали бозорни ўрганиш йўналишлари бўйича истиқболли йўл харитасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талабнинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233-сон “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сон “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3794-сон “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 5 мартдаги ПҚ-2836-сон “Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг назарий асослари, иқтисодий моҳияти ва илмий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс, В.В.Бочаров, А.Марголин, А.Быстряков, Т.Г.Глушкова, Ю.А.Дорошенко, Н.И.Климова, Е.С.Губанова, Ю.А.Корчагин, И.П.Маличенко, В.В.Быковский, Б.А.Чуб, С.А.Косторниченко, Н.И.Климова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион сиёсатни тўғри ва самарали амалга оширишга Д.Ф.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Р.З.Юлдашев, Ф.Ў.Додиев, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, М.Х.Элмуродов, Д.Ҳ.Набиев, С.А.Нуриддинов, С.Р.Умаров, Б.Қ.Ҳошимов, А.Х.Худайбердиев муносиб ҳисса қўшганлар<sup>4</sup>.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг мазкур соҳа ривожига қўшган ҳиссасини эътироф этган ҳолда таъкидлаш керакки, тўғридан-тўғри

---

<sup>3</sup> Шумпетер Й.А. История экономического анализа. – СПб.: Экономическая школа, 2004.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1978.; Бочаров В., Попова Р. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятия. – СПб, 1993.; Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южноуральское книж. из-во, 1998.; Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу. // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998.; Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.; Губанова Е.С. Инвестиционная деятельность в регионе. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН. 2002.; Корчагин Ю.А., Маличенко И.П. Инвестиции: теория и практика. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.; Быковский В.В. Инвестиционный потенциал: механизм формирования и использования. – М.: Изд-во «Машиностроение-1», 2002.; Чуб Б.А. Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001.; Косторниченко С.А. Управление инвестиционной адаптивностью предприятий строительства: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2003.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.

<sup>4</sup> Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007.; Юлдашев Р.З. Совершенствование управления инвестиционным обеспечением приватизированных предприятий Узбекистана: Дисс.докт. экон. наук. – Т., 2010; Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1998.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008.; Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Т., 2012.; Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2012.; Элмуродов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2001.; Набиев Д.Ҳ. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2005.; Нуриддинов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2000.; Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2008.; Ҳошимов Қ.Б. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2004.; Худайбердиев А.Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2005.

хорижий инвестициялар ёрдамида маркетинг тадқиқотларини жорий этиш масаласи етарлича ўрганилмаган. Хусусан, ўтиш давридаги давлатларда Хитойда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг моҳияти, унинг самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли, хорижий инвестицияларни тадқиқ этиш ва унда самарали маркетинг тадқиқотларининг концептуал асосларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар назарияларини таҳлил қилиш ёндашувини ўрганиш;

миллий хўжалиқларга инвестиция таъсирини таснифлашнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жорий этиш тажрибаси ва амалиётини ойдинлаштириш;

соф ташқи иқтисодий фойдани муҳокама қилиш ва Хитойда ТТХИ тажрибасини илмий тадқиқ этиш;

Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига хорижий инвестициялари асосида ташқи савдо бўйича маркетинг тадқиқотлари таҳлилинини амалга ошириш;

ТТХИнинг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича тадқиқотларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон саноатида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг жорий таҳлилинини аниқлаш;

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги савдо рақобатбардошлиги ва савдо алоқалари таҳлилинини қиёслаш;

Хитойнинг молиявий ресурсларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон бозорини истиқболли ривожлантиришда айрим такомиллаштириш йўллари муҳокама қилиш;

Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали технологияга асосланган бозор тадқиқотлари бўйича ҳамкорлик қилишнинг энг яхши усулларини аниқлаш;



Ўзбекистонда “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси бўйича истиқболли бозор йўналишини ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий мамлакатлар ва Хитой томонидан киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция лойиҳалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга оширишдаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатув, дедукция, статистик таҳлиллар, амалий тадқиқотлар, OLS модели, панель маълумотлар таҳлили, индексларни таҳлил қилиш усули, бандликни ошириш эффекти, чизиқли ва логарифмик регрессия модели, ўсиш усулларида фойдаланган ҳолда сифат ва миқдорий, эмпирик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари иқтисодий самарадорлик жиҳатидан  $HL=0,4-0,5$ ;  $AL=0,2-0,3$ ;  $LL=0,1$  тоифаларга гуруҳланиб, уларнинг ҳар бири бўйича ички хусусият ва боғлиқликларга мувофиқ келувчи маркетинг тадқиқотлари ( $HLMR$ ;  $MLMR$   $LLMR$ ) ни қўллаш таклифи асосланган;

иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни белгилаб берувчи омилларнинг етакчи тармоқлардаги инвестицияга талаб ва таклифнинг ўзаро мувозанатига таъсирини баҳолашда самарали маркетинг усулларида фойдаланиш таклифи асосланган;

ҳалқаро тажриба ва миллий иқтисодий тараққиёт талаблари асосида Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали бозорни ўрганиш йўналишлари бўйича истиқболли йўл харитаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талабнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари Жаҳон банкининг 1992-2019 йиллардаги маълумотлари бўйича вақтли қаторлар моделидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий даражадаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар назарияси ва маркетинг даражасидаги бозор назарияси ўзаро боғлиқ ҳолда баён этилган;

икки томонлама кесишув назариясидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонга ТТХИнинг миллий иқтисодиёт ва бозорга таъсири таҳлил қилинган;

Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий таъсири баҳоланган;

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши билан вертикал йўналишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган;

Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари бозорини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Жаҳон банки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа шу каби халқаро ташкилотларнинг электрон сайтлари, статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишга оид назарий-методологик ва услубий аппарат ҳамда мавзуга оид ижтимоий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан республика ва ҳудудлар кесимида инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда инвестицион жозибдорликни янада ошириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, шунингдек, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари иқтисодий самарадорлик жиҳатидан  $HL=0,4-0,5$ ;  $AL=0,2-0,3$ ;  $LL=0,1$  тоифаларга гуруҳланиб, уларнинг ҳар бири бўйича ички хусусият ва боғлиқликларга мувофиқ келувчи маркетинг тадқиқотлари ( $HLMR$ ;  $MLMR$   $LLMR$ )ни қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон “Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 07-00-05539-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали импорт ва экспорт савдосини тартибга солиш жараёнларига замонавий маркетинг жиҳатидан ёндашув дастаклари асослаб берилган;

иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни белгилаб берувчи омилларнинг етакчи тармоқлардаги инвестицияга талаб ва таклифнинг ўзаро мувозанатига таъсирини баҳолашда самарали маркетинг усулларидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25

августдаги ПҚ-5233-сон “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 07-00-05539-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўйича маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш асосида рақобатбардошликни таъминлаш имкони яратилган;

халқаро тажриба ва миллий иқтисодий тараққиёт талаблари асосида Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали бозорни ўрганиш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган истиқболли йўл харитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги 206-сон “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 07-00-05539-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом ёрдамида фаолиятни кенгайтириш имкони яратилган;

Жаҳон банкининг 1992-2019 йиллардаги маълумотлари бўйича вақтли қаторлар моделидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талабнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон “Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 07-00-05539-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш бўйича қарорларни қабул қилишнинг етакчи тамойилларига асосланган маркетинг стратегиясини такомиллаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 2 та ва хорижий журналларда 3 та илмий мақола чоп этилган. Шунингдек, 4 та илмий-амалий анжуманда 7 та маъруза қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг турли назариялари, иштирок этиш ва корхонанинг фаолият ҳуқуқларини назорат қилиш ҳамда инвестиция мақсадларига эришиш йўли билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг тўғридан-тўғри ва билвосита таъсирининг глобал истикболлари ўрганилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий хусусиятлари аниқланди.

Мазкур бобнинг кейинги қисмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар натижасида юзага келган саноатни модернизация қилиш ва истеъмол даражасининг ошиши натижасида юзага келган сиқиб чиқариш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириш усуллари таснифи турли нуқтаи назардан ўрганилди. Трансчегаравий қўшилиш ва сотиб олиш одатда икки хил давлат корхоналарининг актив ва операциялари бўйича таснифланади, янги юридик шахсга бирлаштирилади ёки мавжуд корхонага қўшилади. Бу борада маркетинг тадқиқотлари нуқтаи назаридан бир нечта назариялар ўрганилган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг учта асосий шакли мавжуд, хусусан:


(1) Гренфилд инвестицияси (Greenfield) мамлакатдан ташқарида янги трансмиллий компанияни бевосита ташкил этишни англатади.

(2) Қўшма корхона деганда маҳаллий корхона ва бошқа давлат корхонаси ўртасида биргаликда янги корхона яратиш мақсадида тузилган қўшма корхона тушунилади.

(3) Трансчегаравий М&А, бу ерда М&А қўшилиш ва сотиб олишдан иборат.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириш усули трансмиллий компанияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш усулини англатади. Мавжуд адабиётларда тадқиқот объекти сифатида тўғридан-тўғри сармоёга кириш режими кўриб чиқилса, уни тахминан тўрт тоифага ажратиш мумкин: якка тартибдаги тадбиркорлик ва қўшма корхона режими; қўшма корхона режимининг мулкчилик таркиби; қўшма корхона режими ва қўшилиш тартиби; янги инвестиция ва қўшилиш режими. 1-расмда кўрсатилганидек, иқтисодий вазиятдаги янги ўзгаришлар билан янги

инвестициялар ва трансчегаравий M&A инвестициялари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатга киришининг асосий йўли ҳисобланади.



### 1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш усуллари таснифи<sup>5</sup>

Трансчегаравий қўшилиш ва сотиб олиш жараёнлари пайдо бўлишига асосланиб, OLI парадигмасига қўшилиш ва қўшилиб кетишлар, учта доминант элементни трансчегаравий қўшилиш ва сотиб олишнинг ўзига хос усуллари билан бирлаштириб, дастлабки таҳлил парадигмасига эришилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Трансчегаравий қўшилиш ва харидлар парадигмаси<sup>6</sup>

Тури	Янги инвестициялар	Мамлакатлараро қўшилиш ва сотиб олиш
“О” афзаллик	Янги заводлар, асбоб-ускуналар, маркетинг тармоқларини шакллантириш орқали компанияда мулкчиликнинг ўзига хос афзалликларини шакллантириш	Компаниядаги мулкчиликнинг муайян афзалликларини тезда рўёбга чиқариш мумкин, лекин ташқи эгалик ҳукуқи устунлигини ҳам қўлга киритиш мумкин
“Л” афзаллик	Заводнинг жойлашув устунлиги компания томонидан қўлланилувчи “О” устунлиги билан жуда яхши мос келиши мумкин	Мақсадли манзилни тезда киритиш ва бу жойда “О” устунлигига эга бўлиш
“И” афзаллик	Ўрта маҳсулот бозорининг муваффақиятсизлигидан келиб чиқувчи юқори транзакция харажатларини бартараф этиш	Хизмат вақтидаги чекловларни бартараф этиш учун жадал интернализация усули


Шунга кўра, Хитой назарида бу ўз манфаати учун ихтиёрий мажбурий юқори даромадли бозорларга киришни белгилайди<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>7</sup> Daniel Gros, The Myth of China’s Forced Technology Transfer, Project Syndicate (Nov. 8, 2018)


<https://www.project-syndicate.org/commentary/myth-of-forced-technology-transfer-china-by-daniel-gros-2018> [archived Aug. 10, 2021]



Манба: Rhodium Group

### 2-расм. ЕИ-27 ва Буюк Британиянинг Хитойда амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик қиймати, млрд.евро<sup>8</sup>

Пандемия натижасида Европа Иттифоқи-27 ва Буюк Британияда яқунланган Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ўтган йилги 11,7 миллиард евродан 2020 йилда 6,5 миллиард еврога қисқарди (2-расм).



### 3-расм. Мамлакатлар гуруҳи бўйича Европа Иттифоқи-27 ва Буюк Британияда тўлдирилган Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари, 2011–2020<sup>9</sup>

<sup>8</sup> Манба: Rhodium Group маълумотлари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Rhodium Group. The “Big 3” includes France, Germany, and the UK. “Benelux” includes Belgium, Netherlands, and Luxembourg. “Eastern Europe” includes Austria, Bulgaria, Czech Republic, Hungary, Poland, Romania, and Slovakia. “Southern Europe” includes Croatia, Cyprus, Greece, Italy, Malta, Portugal, Slovenia, and Spain. “Northern Europe” includes Estonia, Denmark, Finland, Ireland, Latvia, Lithuania, and Sweden. © MERICS/RHG Source: Rhodium Group. “Benelux” includes Belgium, Netherlands, and Luxembourg. “Eastern Europe” includes Austria, Bulgaria, Czech Republic, Hungary, Poland, Romania, and Slovakia. “Southern Europe” includes Croatia, Cyprus, Greece, Italy, Malta, Portugal, Slovenia, and Spain. “Northern Europe”

Саёҳат чекловлари ва ўзгарган ички иқтисодий шароитларга дуч келган баъзи хитойлик инвесторлар йирик операцияларни якунлашдан воз кечдилар. Масалан, йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи FAW Group Италия юк машиналари ишлаб чиқарувчиси Ivecoни 2,6 миллиард еврога сотиб олиш бўйича музокараларни тўхтатди ва Bank of China Ирландияда жойлашган Гоодбодй Сток (Goodbody Stock brokers) брокерларини 132 миллион еврога сотиб олишдан воз кечди<sup>10</sup>.


“Катта учлик” ка кирувчи Европа мамлакатлари иқтисодиёти 2020 йилда Хитой сармоясининг асосий йўналиши бўлиб, улар умумий инвестицияларнинг ярмидан кўпи ёки 53 фоизини олган (3-расм), бу юқори даражадаги келишувлардан кейин нормал ҳолатга қайтиш ҳисобланади. Шимолий Европа минтақасида (Болтиқбўйи давлатлари, Скандинавия ва Ирландия) ўтган йили, Германия ҳозиргача Хитой сармоясининг энг йирик олувчиси эди, уларнинг аксарияти бирмунча кичик операциялардан иборат эди. Учинчи ўринни эгаллаган Буюк Британияга Хитойдан кирувчи инвестициялар ҳажми 77 фоизга қисқарди, бу қарийб ўн йил давомидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Хитойнинг кейинги бозор тадқиқот тузилмаларини қуйидаги йўналишлар сифатида ўрганиш мумкин. Шунга қарамай, АКТ сектори оммабоплигича қолди ва умумий секторнинг 18 фоизини жалб этди. 2020 йилнинг диққатга сазовор хусусияти АКТ инвестициялари яшил майдонларни сотиб олишга қанча миқдорда йўналтирилганлиги эди; асосий мисоллар Буюк Британия ва Венгриядаги юқорида айтиб ўтилган Huawei R&D марказлари ва Ирландиядаги ByteDance’s TikTok маълумотлар марказидир (4-расм). Электроника инвестиция қиймати бўйича учинчи йирик сектор ҳисобланади. Бу борадаги битимларга қуйидагилар киради: Универсал Universal Scientific Industrial’s компанияси Франциянинг Asteelflash Group компаниясини (395 миллион евро) ва Jiangsu Riying Electronics’ компаниясининг Германиядаги Elektromechanische Schaltsensoren EMS GmbH компаниясини сотиб олиши (171 млн.евро).

Истеъмол товарлари ва хизматлари	Асосий материаллар	Молиявий ва бизнес хизматлари	Саноат машиналари ва ускуналари
Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат	Электр энергияси ва энергия ишлаб чиқариш	Соғлиқни сақлаш ва биотехнология	Кўчмас мулк ва меҳмондўстлик
<b>Автомобилсозлик</b>			
Авиация	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат		Транспорт, коммунал хизматлар ва инфратузилма

includes Estonia, Denmark, Finland, Ireland, Latvia, Lithuania, and Sweden.

<sup>10</sup> <https://rhg.com/wp-content/uploads/2021/06/MERICSRhodium-GroupCOFDIUpdate2021.pdf>



**4-расм. Хитойнинг Европа Иттифоқи-27 ва Буюк Британияда sanoat бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари, 2000-2020 йиллар<sup>11</sup>**

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг ривожланаётган бозорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсирининг таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистоннинг 28 йил давомидаги умумий инвестицион капитали ва экспорт савдоси ҳажми тенденцияси, экспорт савдоси ҳажми бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига, умумий инвестиция капиталига таъсири, миллий ишсизлик даражаси мустақил эмпирик таҳлил қилинган, оддий энг кичик квадратлар (OLS) ёрдамида янги натижалар олинган регрессия усули авторегрессив модель коэффицентлари қиялигини баҳолаш учун ва тахминий регрессия модели ЯИМ бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар баҳоланувчи натурал логарифмлардан фойдаланган ҳолда функционал шаклда ифодаланган.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти, экспорт савдоси ҳажми, умумий инвестицион капитал ва миллий ишсизлик даражасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таъсири текширилиб, уларнинг таъсир даражаси ўрганилди.

<sup>11</sup> Rhodium Group. The “Big 3” includes France, Germany, and the UK. “Benelux” includes Belgium, Netherlands, and Luxembourg. “Eastern Europe” includes Austria, Bulgaria, Czech Republic, Hungary, Poland, Romania, and Slovakia. “Southern Europe” includes Croatia, Cyprus, Greece, Italy, Malta, Portugal, Slovenia, and Spain. “Northern Europe” includes Estonia, Denmark, Finland, Ireland, Latvia, Lithuania, and Sweden. © MERICS/RHG Source: Rhodium Group. “Benelux” includes Belgium, Netherlands, and Luxembourg. “Eastern Europe” includes Austria, Bulgaria, Czech Republic, Hungary, Poland, Romania, and Slovakia. “Southern Europe” includes Croatia, Cyprus, Greece, Italy, Malta, Portugal, Slovenia, and Spain. “Northern Europe” includes Estonia, Denmark, Finland, Ireland, Latvia, Lithuania, and Sweden.



Формулада (i) маълум бир мамлакатни, (j) эса маълум бир йилни ифодалайди. Икки логарифмик модель учун ўзгарувчан коэффициентларнинг иқтисодий аҳамияти жуда аниқ.  $\alpha$  – кесишувчи атама.  $\beta$  ЯИМ, экспорт савдоси, умумий инвестицион капитал, миллий ишсизлик даражасининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицион эластиклик коэффициентларини ифодалайди да (e) – тасодифий бузилиш атамаси.

Баҳолаш учун Стата16 дастуридан фойдаланиб, статистик аҳамиятлилик даражаси 5 % моделда бир хилда белгиланади. 1992 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда жами 28 та кузатув киритилган бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМ, экспорт савдоси, умумий инвестиция капиталли, Ўзбекистон миллий ишсизлик даражасига таъсирини аниқлаш учун 4 та модель баҳоланган.

**1-моделни баҳолаш:**

1-моделда ЯИМ бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни баҳолаш қуйидаги функционал шаклда ифодаланади:

**1-модель:**

$$\ln \text{GDP}_{ij} = \alpha_1 + \beta_1 \ln \text{FDI}_{ij} + e_1$$

Баҳолаш натижаси қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**1992 йилдан 2019 йилгача ялпи ички маҳсулот бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг OLS баҳоси, коэффициент<sup>12</sup>**

(1-модель) lnGDP				
Ўзгарувчи	Коэффициент	t	P> t	Std. Err
Ln FDI	0.4442	8.72	0.000	0.0509
_cons	15.3292	15.47	0.000	0.9907
Adj R <sup>2</sup>	0.7355			
F(1, 26)	76.09			
prob>F	0.0000			

**2-моделни баҳолаш:**

2-моделда экспортдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича баҳо қуйидаги функционал шаклда ифодаланади:

**2-модель:**

$$\ln \text{EXP}_{ij} = a_2 + b_2 \ln \text{FDI}_{ij} + e_2$$

Баҳолаш натижаси қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал**

**1992 йилдан 2019 йилгача экспорт бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг OLS баҳоси, коэффициент<sup>13</sup>**

(2-модель) ln EXP				
O'zgaruvchi	Koeffitsiyent	t	P> t	Std. Err
Ln FDI	0.3907	11.96	0.000	0.0327
_cons	14.9021	23.44	0.000	0.6357
Adj R <sup>2</sup>	0.8402			
F(1, 26)	142.96			
prob>F	0.0000			

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

2011 йилдан 2019 йилгача Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, импорт ва экспорт савдоси панели маълумотларига асосланиб, мазкур тадқиқотда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, импорт ва экспорт савдолари ўртасидаги муносабатлар эмпирик таҳлил қилинди. Моделнинг ўзгарувчилари Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари (йил якуни баланси), экспорт савдо қиймати (EX) ва Марказий Осиё мамлакатларига импорт савдо қиймати (ИМ). Кесма маълумотлар сифатида Қозоғистон (KZA), Ўзбекистон (UZB), Қирғизистон (KYR), Туркменистон (TUR) ва Тожикистон (TAJ) қўлланилади. Ўзгарувчан маълумотлар асосан “Хитой статистик йилномаси” (2012-2020) ва “Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича 2019 статистик бюллетени” дан олинган. Модель эҳтиёжларига кўра, ўзгарувчан маълумотларнинг табиий логарифми олинган.

#### 4-жадвал

#### Марказий Осиё мамлакатларида Хитой тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг импорт ва экспорт савдосига таъсирини текшириш натижалари, коэффициент<sup>14</sup>

Мамлакат	1-модель	2-модель
KZA	0.4083*** (0.0935)	0.3455** (0.1555)
UZB	0.1965** (0.0736)	0.2581*** (0.0740)
KYR	-0.6708*** (0.0817)	-0.1641** (0.0746)
TUR	0.0628 (0.2729)	-0.0583 (0.6864)
TAJ	-0.4505*** (0.1470)	0.1645*** (0.0446)
Марказий осия	0.3361* (0.1069)	0.2188* (0.1056)

Юқоридаги жадвалга кўра, Марказий Осиёга Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари савдони яратиш тури бўлиб, регрессия таҳлили натижалари 5 % аҳамиятлилик тестидан ўтган. Ўрта Осиёга Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ҳажмининг ҳар 1 %га ошиши учун Хитойнинг Марказий Осиёга импорт савдоси ва экспорт савдоси мос равишда 0,34 % ва 0,22 % га ошади. Умуман, Хитойнинг Марказий Осиёдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари импорт ва экспорт савдосига сезиларли таъсир кўрсатади.

Туркменистондан ташқари ҳар бир давлат нуқтаи назаридан, Хитойнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ва Қозоғистон, Ўзбекистон,

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Қирғизистон ва Тожикистонга импорт ва экспорт савдосининг регрессия натижалари 5 %лик аҳамиятлилик синовидан ўтган. Регрессия натижаларининг иқтисодий маъносидан келиб чиқадиганлса, Қозоғистон ва Ўзбекистонга Хитой тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг ҳар 1 %га ошиши учун импорт савдоси ҳажми 0,41 % ва 0,19 % га, экспорт савдоси эса 0,35 %, 0,26 % га ошади.

#### 5-жадвал

### Марказий Осиё мамлакатларида Хитой тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг импорт ва экспорт савдосига таъсирининг эмпирик таҳлили, коэффициент<sup>15</sup>

Мамлакат	Коэффициент ( $\beta_1$ )	Импорт самараси	Коэф. ( $\beta_2$ )	Экспорт самараси
KZA	0.4083	яратиш	0.3455	яратиш
UZB	0.1965	яратиш	0.2581	яратиш
KYR	-0.6708	алмаштириш	-0.1641	алмаштириш
TUR	/	/	/	/
TAJ	-0.4505	алмаштириш	0.1645	яратиш
Марказий Осиё	0.3361	яратиш	0.2188	яратиш

Хитойнинг Қирғизистонга тўғридан-тўғри киритилишининг ҳар 1 %га ошиши учун импорт савдоси ва экспорт савдоси мос равишда 0,67 % ва 0,16 % га камаяди. Хитой инвестициялари Тожикистонга тўғридан-тўғри киритилишининг ҳар 1 %га ошиши учун импорт савдоси ҳажми 0,45 %га қисқаради ва экспорт савдоси ҳажми 0,16 %га ошади.

Умуман, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва бозорнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Муаллифнинг хулосаси Ўзбекистонда унинг аниқлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар зарур, деган фикрга кўра, муаллиф қуйидагиларни тавсия қилади:

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жорий этишга ёрдам берувчи сиёсатни шакллантириш. Бундай сиёсат изчил, самарали ва амалда бўлиши керак. Баъзи асосий сиёсатлар биринчи навбатда (пилот лойиҳаси сифатида) соҳада синаб кўрилиши керак ва сиёсатнинг амалга оширилишини яхшилаш учун сиёсатни амалга ошириш таъсирига мос равишда қайта кўриб чиқилиши керак;

маҳаллий саноатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсирининг олдини олиш. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жорий қилишда хусусий инвестициялар ва давлат инвестициялари аниқланиши керак. Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар капитал эҳтиёжлари

